

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “_____” _____даги
____-сонли қарорига
ИЛОВА

Уй хўжаликларида танланма кузатувлар ўтказиш
бўйича интервьюерлар учун
қўлланма

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлиги даражасини ўрганиш мақсадида Давлат статистика органлари томонидан уй хўжаликларида танланма усулда кузатувлар ўтказилади.

Жаҳон Банкнинг тавсиялари ҳамда техник кўмаги асосида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) томонидан ишлаб чиқилган ва Европа Иттифоқига қирувчи қатор мамлакатларда қўлланиладиган, уй хўжаликларида танланма кузатувлар ўтказиш бўйича такомиллаштирилган услубиятдан фойдаланилади.

Мазкур қўлланмада Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва улардан уй хўжаликлари ҳамда алоҳида шахслар томонидан фойдаланиш бўйича қўлланмасига (2014 йилдаги нашри), БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БМТ БТТ) Туризм статистикаси бўйича 2008 йилда тайёрланган халқаро тавсияларига асосланган таърифлар ва тавсиялар келтирилган.

Уй хўжаликларида ўтказилган кузатувлар натижалари асосида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар шакллантирилади. Шунингдек, кузатувлар натижалари, аҳолининг кам таъминланганлик кўрсаткичларини, истеъмол нархлари индексини, миллий ҳисоблар тизимида уй хўжаликлари сектори ҳисобларини тузишда ва бошқа иқтисодий-статистик ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

1. Умумий қоидалар

1. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубиятини, кузатув сўровномаларини ва танлов услубини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Худудий статистика бошқармалари уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, сўровномаларни ва бошқа сўров ҳужжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш, уларнинг назорати ва таҳлил қилиш ишларини амалга оширадилар.

2. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:

уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадлари ёки мол-мулкни тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳамда айрим турдаги товарлар ва хизматларни (асосан уй-жой хизматлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини) биргаликда истеъмол қиладиган шахслар гуруҳи;

сўровнома – кузатув давомида уй хўжалиги (унинг аъзоси) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

супервайзер – кузатув жараёнида барча керакли материаллар ва кўрсатмалар берадиган, ишингизни кузатиб борадиган ҳамда юзага келган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган бошқармадаги бириктирилган ходим (бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис);

интервьюер – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими;

уй хўжалиги бошлиғи – уй хўжалиги аъзоларининг ихтиёрига кўра аниқланади. Бунда, ушбу уй хўжалигининг ёш жиҳатдан энг катта бўлган вакили ва хўжаликни бошқарадиган ёки кўпроқ даромад келтирувчи аъзоси уй хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин;

респондент – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки ушбу уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин;

уй хўжалигининг банд (ишловчи) аъзолари – бир ҳафтага тенг маълум бир қисқа вақт давомида, ёлланма (ҳақ тўланадиган) ходим сифатида ёки мустақил равишда банд бўлган, уй хўжалигининг 16 ва ундан катта ёшдаги аъзолари;

ёлланма (ҳақ тўланадиган) ходимлар – ойлик маош, мукофотлар, устамалар ва ҳ.к. ёки натура (маҳсулот ёки хизмат) шаклидаги, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, иш берувчининг бирламчи ва бухгалтерия ҳисоб-китобларида акс эттирилмаган тўловлари) қисмини қўшган ҳолда, ҳақ (рағбатлантириш) олиш назарда тутилган ҳолда ёлланиб ишлаётган шахслар;

мустақил равишда банд бўлиш – рағбатлантириш миқдори мустақил равишда ташкил этилган меҳнат жараёнига уй хўжалиги аъзоларининг жалб қилиниши натижасида олинган даромадга бевосита боғлиқ бўлган бандлик;

уй хўжалиги пул харажатлари истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлар сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларини ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради;

ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – ахборотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш, тарқатиш жараёнлари, усуллари ҳамда мазкур жараён ва усулларни амалга ошириш йўллари;

ички туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидаги ички ёки чиқувчи сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

2. Кузатув ўтказиш инструментарийси

3. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш жараёнида қуйидаги хужжатлар ва сўровномалардан фойдаланилади:

- а) уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси;
- б) уй хўжалиги билан тузиладиган шартнома шакли;
- в) яққа тартибда ўтказиладиган сўровнома;
- г) уй хўжалиги сўровномаси;
- д) ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси;
- е) АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами сўровномаси.

4. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси ҳамда кузатув сўровномалари ва бошқа хужжатларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар мазкур қўлланманинг 1-5-иловаларида келтирилган.

5. Зарур ҳолларда, кузатув ўтказиш учун белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа хужжатлар ва сўровномалардан фойдаланиш мумкин.

3. Танлов тартиби ва босқичлари

6. Кузатув Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида) ўтказилади. Ҳар йиллик танланма ҳажми жами туркумнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Танланма ҳажмини шакллантиришда, кузатув натижасида олинadиган маълумотларнинг аниқлик даражаси, шунингдек, сарфланадиган маблағларнинг самарали ишлатилиши ҳисобга олинади.

7. Танлов услубиятига кўра, чорак бўйича олинган кузатув натижалари республика бўйича маълумотларнинг репрезентативлигини таъминлайди. Республика ҳудудлари бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш учун йиллик маълумотлардан фойдаланиш лозим.

8. Уй хўжаликлари танлови ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Танловни амалга оширишдан аввал танлов бирлиги ҳисобланган уй хўжаликлари сони республиканинг ҳудудлари кесимида олдиндан тақсимланади. Ҳар бир ҳудуд бўйича уй хўжаликлари танлови, шаҳар ва қишлоқ жойлари кесимида амалга оширилади.

9. Уй хўжаликларининг танлови икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда маҳалла ва қишлоқлар танлаб олинади ҳамда бу жараён ҳар олти ойда, яъни бир йилда икки марта такрорланади. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқнинг танловга тушиш эҳтимоли, уларда мавжуд бўлган уй хўжаликлари (ёки аҳоли) сонига боғлиқ.

10. Танловнинг биринчи босқичини амалга оширишдан аввал бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган туманлар, қишлоқ маҳаллалари танлов рўйхатидан чиқарилади.

Ушбу ҳудудларни рўйхатдан чиқариш учун мезон бўлиб, уларда яшовчи аҳоли сонининг республика умумий аҳоли сонига улуши ҳисобланади.

11. Уй хўжаликлари танлови танловнинг иккинчи босқичида амалга оширилади. Танлаб олинган маҳалла ва қишлоқлар бўйича барча уй хўжаликларининг рўйхатини (уй хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, шарифи ва манзили) ҳудудий статистика бошқармалари белгиланган тартибда, электрон кўринишда шакллантирадилар. Давлат статистика қўмитаси ушбу рўйхат асосида уй хўжаликлари танловининг иккинчи босқичини амалга оширади ва келгуси олти ой давомида кузатув ўтказишда фойдаланиладиган уй хўжаликлари рўйхатини шакллантиради. Танловнинг барча босқичлари Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш тартиби ва интервьюернинг мажбуриятлари

12. Интервьюер, уй хўжаликларида кузатув ўтказишдан аввал тайёргарликдан ўтган ва унинг кузатув ўтказиш бўйича олган билимлари ҳудудий статистика бошқармасининг Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими бошлиғи томонидан синовдан ўтказилган бўлиши шарт. Шунингдек, интервьюер кузатув жараёнида фойдаланиладиган барча ҳужжатлар, сўровномалар, ушбу қўлланма ва унинг иловалари билан танишган бўлиши лозим. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, интервьюернинг кузатувда иштирок этиши ман этилади.

13. Кузатув жараёнида интервьюер қуйидагиларга амал қилиши лозим:

а) электрон қурилма планшет, ўрнатилган SIM-карта, дастурий таъминот, зарядловчи қурилма, интервьюерлар учун қўлланма ҳамда ёзиш учун ручка ва блокнот бўлиши;

б) кузатув ўтказиш режасига мувофиқ танлов рўйхатига киритилган уй хўжаликларига ташриф буюриш ва кузатув ўтказиш;

в) уй хўжалиги аъзоларини ҳурмат қилиш, уларга нисбатан хушмуомалада бўлиш ва сўров (интервью)нинг ихтиёрийлигини таъминлаш;

г) кузатувнинг мақсади ва вазифаларини уй хўжалиги аъзоларига аниқ тушунтириш ҳамда сўров (интервью)ни холис ва беғараз ўтказиш;

д) сўровномаларни фақат электрон қурилма (планшет)лар орқали тўлдириш, унинг сифатини респондент иштирокида текшириш, тўлдирилган сўровномага респондентнинг рухсатсиз тузатиш ва ўзгартиришлар киритмаслик;

е) уй хўжалиги кузатувининг сўров маълумотларини ва бошқа ҳужжатларини қалбакилаштиришга йўл қўймаслик;

ж) интервью ўтказишда саволлар тартибини ўзгартирмаслик, саволларни респондентга шошмасдан ўқиб эшиттириш, савол респондентга тушунарсиз бўлган тақдирда, саволни такроран ўқиб бериш, саволларни жавобсиз қолдирмаслик ва интервьюер учун бош ҳарфларда берилган қоидаларга амал қилиш;

з) сўровномаларни тўлдириш жараёнида қийинчилик ва муаммолар юзага келганда, шунингдек, респондент айрим саволларга жавоб беришни рад этган ҳолларда, булар тўғрисидаги маълумотларни супервайзер билан маслаҳатлашиш;

и) уй хўжалигидан олинган маълумотларни ошкор қилмаслик, тўлдирилган сўровномаларни фақат ҳудудий статистика бошқармасининг кузатув учун масъул ходимларига тақдим этиш;

к) уй хўжалиги томонидан шартнома талаблари сифатли ва ўз вақтида бажарилган тақдирда, белгиланган миқдордаги бир марталик пул мукофоти топширилишини таъминлаш;

л) тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, уй хўжалиги аъзоларининг кузатувда иштирок этиш учун сарфлаган вақтлари учун миннатдорчилик билдириш.

14. Кузатувда иштирок этиш учун розилик билдирган респондентлар сони, улар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг сифати кўп жиҳатдан интервьюер томонидан қўлланилаётган мулоқот усулига ва респондент билан ўзаро ҳамкорлик қила олишига, шунингдек, ўтказилаётган сўров мақсадини интервьюер қай даражада яхши тушунтира олишига боғлиқ.

15. Интервьюер уй хўжалигига қилган ташрифида саволларга жавоб олиш учун респондентни аниқлаб олади ва унга кузатувининг мақсади, вазифалари ва мазкур уй хўжалиги кузатувнинг танлов режасига аҳолининг турли даромад даражасига эга бўлган барча катламларини қамраб олинишини таъминловчи, танловни автоматлаштирилган тарзда амалга оширувчи махсус дастур асосида киритилганлиги тўғрисида маълумот беради.

16. Респондент кузатувда иштирок этишга розилик бергандан сўнг, интервьюер ҳудудий статистика бошқармаси билан респондент ўртасида, белгиланган тартибда икки томонлама шартномани расмийлаштиради, респондентга шартнома талаблари ва томонларнинг мажбуриятларини тушунтиради.

17. Агар уй хўжалиги кузатувда иштирок этишни рад этса, кузатувни давом эттириш учун белгиланган захира рўйхати бўйича навбатдаги уй хўжалигига ташриф буюрилади ҳамда супервайзерга бу ҳақда хабар берилади.

18. Агар уй хўжалиги кузатув жараёни давомида кузатувда иштирок этишдан бош тортса, “Якка тартибда ўтказиладиган сўровнома”нинг паспорт бўлимида 1-9 саволлари тўлиқ тўлдирилади, шунингдек, ҳудудий статистика бошқармаси ва респондент ўртасида расмийлаштирилган икки томонлама шартнома бекор қилинади ҳамда кузатув якунланади.

5. Якуний қоидалар

19. Кузатув дастурида белгиланган электрон қурилма (планшет)лар орқали сўров якунлангандан сўнг, интервьюер маълумотларни асосий серверга юборишидан олдин қайта кўриб чиқилади, кейин асосий серверга юборилади.

20. Сўровнома шаклларида кичик хатоликларни тузатиш мумкин, масалан, номлар ва киритиш вақтидаги хатоликлар. Лекин қолган ўзгартиришлар респондентдан сўрамай туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

21. Супервайзер, интервьюер билан биргаликда асосий серверга юборилган маълумотларни арифметик ва мантиқий хатоликлар йўқлиги текширилади ва таҳлил қилинади.

22. Интервьюер маълумотларни текширишни тугатганидан сўнг, электрон қурилма планшетни ҳудудий статистика бошқармасининг масъул ходимига топширади. Масъул ходим электрон қурилма планшетни ишлаётганини кўриб қабул қилиб олади ва кейинги сўров бошлангунга қадар бошқармада, бўлим сейфида сақланади.

23. Ҳудудий статистика бошқармасининг масъул ходимлари ёки супервайзер, кузатув жараёнида олинаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида, мунтазам равишда уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда интервьюер сўровларини кузатиши, саволларни бериш усулларини баҳолаши ҳамда назорат ишларини олиб борадилар.

24. Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш қоида ва тартибларини бузган интервьюерлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

“Уй хўжаликларида танланма
кузатувлар ўтказиш бўйича
интервьюерлар учун қўлланма”га
1-илова

Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режаси

1. Танланма кузатувга тушган ҳар бир уй хўжалиги электрон қурилма планшет орқали кузатилади.

2. Кузатув ўтказиш мақсадида интервьюернинг уй хўжаликларида қиладиган таширлар режаси қуйида келтирилган.

Ташир рақами	Ташир муддати	Тадбирлар
1.	Кузатув ойининг 1-10 санаси	– уй хўжалиги билан алоқа ўрнатиш, респондент билан бошқарма ўртасида шартнома тузиш; – яқка тартибда ўтказиладиган сўровнома, уй хўжалиги сўровномаси, ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси, АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами сўровномалари орқали танланмага тушган уй хўжаликларида сўров ўтказиш.
2.	Кузатувдан олдинги ойининг 20-22 куни	– олдинги ой кузатувда иштирок этган уй хўжалигига пул мукофоти ва ташаккурномани топшириш. – кейинги ойда кузатувга тушган уй хўжаликлари билан боғланишни ташкил қилиш.

Эслатма. Агар интервьюер белгиланган ташир вақтида уй хўжалиги аъзоларидан ҳеч кимни ёки зарур бўлган аъзоларини топа олмаса бошқа кун ташир буюради. Агар уй хўжалиги аъзоси кузатувда иштирок этишни рад қилса кейинги захирадаги уй хўжалигига ўтилади.

Якка тартибда ўтказиладиган сўровномани тўлдириш бўйича тушунтиришлар

1. Якка тартибда ўтказиладиган сўровнома (Сўровнома), уй хўжалиги таркиби, миграция, таълим даражаси ва таълимга қилинган харажатлари, соғлиқни сақлаш, бандлик, жамғарма ва кредитлар, ижтимоий нафақалар тўғрисида маълумотлар шаклланади.

2. Сўровноманинг мақсади одатда уй хўжалигида доимий равишда яшайдиган ҳар бир аъзоси ҳақида маълумот тўплашдан иборат. Шунингдек, вақтинчалик йўқ бўлган мухожирлар ва бошқа уй хўжалиги аъзолари ҳам қўшилиши лозим. Сўровнома қуйидаги 7 бўлимдан иборат:

1-бўлим – Реестр;

2-бўлим – Кўчиб келган ва кўчиб кетган шахслар тўғрисида маълумот (МИГРАЦИЯ);

3-бўлим – Таълим;

4-бўлим – Соғлиқ;

5-бўлим – Бандлик;

6-бўлим – Жамғармалар ва кредитлар;

7-бўлим – Ижтимоий нафақалар.

А. Сўровнома паспорти

1. Сўровнома паспорти бўлимининг мақсади сўровда қатнашган уй хўжалиги ва жавоб берувчи яъни респондент ҳақида асосий маълумотларни йиғишдан иборат.

1-савол. Биринчи саволга сизнинг шахсий кодингизни киритасиз ва кейинги саволга ўтиш учун экранни ўнгдан чапга силжитиш лозим.

2-савол. Биринчи саволдан сўнг уй хўжалигининг GPS координаталарини ўрнатиб олиш зарур.

3-савол. Кузатув ўтказилаётган вилоят, туман ёки шаҳар номини, сўнг маҳалла номини танлаб олинади.

4-савол. Уй хўжалиги коди киритилади.


5-савол. Ташриф натижалари хос рақамлари 01-Интервью бошланган вақти кўрсатилади ёки 02-Интервью ўтказилмади (манзилда респондент топилмади, сабаби) белгиланади.

6-саволида респондентнинг фамилияси, исми ва шарифи ёзилади.

7-савол. Респондентнинг телефон рақамини олиш зарур (ихтиёрий, агар жавоб берилмаган бўлса ёки рад этилса) Q7 кутисига киритилади.

8 ва 9-саволларда лойиҳанинг мақсади ва сўров ўтказилишининг ҳеч қандай хавфи йўқлигини тушунтирилиб, сўнггра жавоб берувчи сўровда қатнашишга розилик билдириш

ёки билдирмаслиги кўрсатилади. Ижобий жавобни олгандан сўнг, кейинги бўлимга ўтилади. Рад жавобини билдирган ҳолатларда, сабабини аниқлаб, сўровни якунлаш лозим. Сўнгга бу уй хўжалигини рўйхатдан чиқариб ташлаб захира рўйхатидан бошқа уй хўжалиги танланади. Бу ҳақда супервайзерга хабар берилади. Сўровни сақлаб олиб, интернетга уланиш имконияти бўлса уни асосий серверга юбориш керак.




1. Уй хўжалиги реестри

Ушбу бўлим уй хўжаликларининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни белгилаш билан бошланади, респондентдан барча уй хўжалиги аъзоларини, шу жумладан, энг кичик ёшдагиларни, шунингдек, ҳарбий хизматга кетганлар ёки қамоқхонада жазо муддатини ўтаётганлар, пул ишлашга, мавсумий ишларга, ўқишга, даволанишга кетганлар ва ҳоказоларни киритган ҳолда қўшиб тўлдирилади. Бундан ташқари, агар ушбу манзилда доимий яшайдиганлардан бирор ким сизнинг қариндошингиз бўлмасада, уларни ҳам умумий ҳисобга қўшилади. Электрон қурилма планшетда ўрнатилган маълумотларни тўплаш дастури фақат сиз бу киритган уй хўжаликлари аъзоларининг сони бўйича саволлар беради. Агар жавоб берадиган шахс, кимдир қолиб кетганини эсласа, бундай ҳолатларда бу саволни яна қайтиб тўлдирилади (бу вақтни йўқотишга олиб келади).

Ушбу бўлимнинг биринчи саволига уй хўжаликлари аъзоларининг аниқ сони киритилганлигига ишонч ҳосил қилиниб, кейинги 1-4 саволларга уй хўжалиги аъзоларининг фамилияси, исми ва шарифи, жинси, туғилган санасини ҳамда ҳар бир уй хўжалиги аъзосининг ёши киритилади.

5-саволда уй хўжалиги бошлиғига ким бўлиши қариндошлик даражаси (эр, хотин, ўғил, қиз, куёв, келин, қайнота, қайнона, жиян, бошқа қариндошлар, қариндош бўлмаганлар ва ҳоказолар) киритилади.

6-саволда уй хўжалиги аъзоларининг она тили ва қўшимча равишда ўрганган тиллари ҳақида маълумот киритилади.



7-10-саволларда 15 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги уй хўжалиги аъзоларининг оилавий ҳолати (бунда никоҳи, турмуш қурганлиги ва ҳоказолар) ҳақидаги маълумотлар сўралади.

11-11а-саволларда 7 ёшдан кичик уй хўжалиги аъзолари ҳақида бўлиб, унда бола парвариши билан ота-онасидан ташқари ўзга шахслар шуғулланганлиги сўралади.

12-саволда охирги бир ойда неча ҳафта доимий уйда бўлганлиги ҳақида маълумот сўралади.

13-14-саволларда уй хўжалиги аъзоларининг шахсий уяли телефони ҳақида маълумотлар аниқланиб, бунда телефон рақамини киритиш мақсадга мувофиқдир.

2. Миграция

Ушбу бўлим 2 қисмдан иборат бўлиб, “Миграция А” бўлимда респондентдан айна вақтдаги манзилига бошқа ҳудуддан кўчиб келганми ёки йўқми, деб сўралади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятдан ёки бошқа давлатдан ҳозирги яшаш жойига кўчишига оид биринчи саволга “Ҳа” деб жавоб берилганида, жавоб берувчи шахс қайси мамлакатдан келганини аниқлаб ва очилган рўйхатда тегишли мамлакат белгиланади. Ўзбекистон Республикаси рўйхатда биринчи бўлиб, қўшни давлатлар, қолган мамлакатлар эса алифбо тартибида жойлаштирилади. Ўзбекистонга нисбатан, илгари яшаган вилоят ва туманни кўрсатиш лозим.

“Миграция В” бўлимида чет элда яшаётган ёки ишлаётган уй хўжалиги аъзолари ҳақида маълумот берилади. Биринчи 4 та саволга респондентдан оила аъзолари уйдан чиқиб, қайтиб келишни режалаштирганми ва қачон келиши кераклигини сўраш муҳим. Шундан сўнг, у яшаётган ёки ишлаётган мамлакат танланади.

Охирги 3 ой мобайнида уй хўжалигида пул жўнатиш ҳақида, ушбу бўлимнинг 6-саволига “Ҳа” деб жавоб берилса, илтимос, юборилган сумма киритилади, шунингдек, одатда одамлар АҚШ долларида пул юборади, уни курс бўйича ҳисоблаб ўзбек сўмида киритиш лозим.

Сўнгра, респондентдан бу маблағлар асосан нима учун сарфлангани ҳақида маълумот олинади, битта жавобни танлаб (сарфланган энг катта миқдордаги маблағни), кейин пулни юбориш усули кўрсатилади. Агар пул тўғридан-тўғри маҳаллий банк ҳисоб рақамига ўтказилган бўлса Ўзбекистон бўйича банк операцияси танланади, Халқаро пул

ўтказмалари хизмати орқали бўлса, махсус код орқали расмий пул ўтказиш тизими танланади.

Ҳозирги вақтда бошқа мамлакатда ишлаётган бўлса, у ҳолда унда расмий шартнома асосида ёки ташқи миграция агентлиги орқали кетганлигига аниқлик киритилади ва уй хўжалигининг кейинги аъзосига ўтилади.

Two screenshots of a mobile application interface for HBS_2021. The left screenshot shows a question: "1 Bekmirzaev hozirgi yilni qanday joydan o'ldi? (Uzbekistonning boshqa hududida yashaganmi?)" with radio buttons for "Ha" and "Yo'q", where "Yo'q" is selected. The right screenshot shows a question: "1 Hozirgi paytda Bekmirzaev qanday qilib?" with radio buttons for "Ha" and "Yo'q", where "Yo'q" is selected.

3. Таълим

Ушбу бўлимда ҳар бир уй хўжалиги аъзосининг эга бўлган таълим даражаси ҳақида маълумот сўралади, агар уй хўжалиги аъзоларидан бири ўқиётган бўлса, сўнгги ўқув йилида таълим билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, пул, натура ёки хизмат шаклидаги харажатлар ва хусусий репетиторлик учун сарфланган харажатлар нархи аниқланади.

Мисол тариқасида: 1998 йилгача университет ёки институтда 5 йил ўқиган кишилар учун олий таълим (1-5 йил) ёзилиб, 1998 йилдан сўнг бакалавр ёки магистр дипломини олган бўлса, бакалавр ёки магистр даражаси белгиланади.

Three screenshots of a mobile application interface for HBS_2021. The first screenshot shows a question: "1 Savol 10 yil va undan katta boshqa shaxslarga beriladi. 1 Bekmirzaevning ta'lim darajasi (Muvaqqatli tugatgan yoki ta'lim darajasi nazarda tutiladi)" with a list of education levels, where "Bakalavriyat: 1-4 yil" is selected. The second screenshot shows a question: "2 Bekmirzaev umumiy necha yillik rasmiy ta'limni oqulgani?" with a text input field containing "15". The third screenshot shows a question: "3 Bekmirzaev suniti o'qov yilida o'qov muassasasida o'qiganmi?" with radio buttons for "Ha" and "Yo'q", where "Yo'q" is selected.

Бугунги кунда ўқиётган (мактаб ёки олий ўқув юртларида) уй хўжалиги аъзолари учун сўнгги ўқув йили мобайнида уй хўжалиги аъзосининг таълим учун сарфланган маблағи ҳақидаги маълумотларни ажратиш имкони бўлмаса, у ҳолда жами маблағни

бошқа харажатларга киритилади. Агарда ҳеч қандай пул сарф қилинмаган бўлса, унда бўш қолдирилади ёки 0 рақами киритилади.

15-саволда сўнгги ўқув йили учун уй хўжалиги аъзоларининг таълимига тўловларни натура ёки хизмат шаклида киритилади. Агар таълимга тўловлар натура шаклида бўлса иш ёки совғанинг қиймати баҳоланади (гуллар, шоколадлар, ёкилги, қурилиш материаллари ва ҳ.к.). Шу билан бирга, таълим муассаларига хизматлар орқали тақдим этилган бўлса (таъмирлаш ишлари ва бошқа хизматлар), хизмат кўрсатиш соатлари кўрсатилади.

16 ва 17-саволларда сўнгги 1 ой давомида уй хўжалиги аъзоларининг хусусий репетиторлик хизматидан фойдаланишлари ҳақида маълумотлар сўралади. Ушбу хизматлар бепул кўрсатилган бўлса, 0 рақами киритилади, сўнгги 1 ой давомида репетиторликка сарафланган маблағлар ҳақида маълумотлар киритилади.

4. Соғлиқ

Ушбу бўлим 3 қисмдан иборат:

А. Бирламчи ёрдам ва амбулатор хизматларидан фойдаланиш – уй хўжалиги аъзоларининг охириги 30 кун ичида саломатлиги учун улар томонидан тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳамда тиббий хизматларга сарфланган харажатлар тўғрисида сўралади. Охириги 30 кун ичида тиббий ёрдамга эҳтиёжи бўла туриб, мурожаат қилмаганлик ҳолатлари ҳақида сўралади. “Ҳа” деб жавоб берилган бўлса, у ҳолда бунинг сабаби сўралади ва берилган рўйхатдан тегишли жавоб танланади.

В. Беморни стационар даволаш – уй хўжалиги аъзолари касалхонада ётиб даволанганлиги, неча марта касалхонага ётқизилганлиги, қанча вақт касалхонада даволангани, касалхонада ётган даврида сарфланган барча харажатлар киритилади. Агар харажатларни бўлиб ёзиш имкони бўлмаса, харажатларнинг тўлиқ миқдорини “h. бошқа тўловлар” устунига киритиш лозим. Агар баъзи элементлар учун тўловлар қилинмаган бўлса, 0 рақами киритилади ва барча харажатлар қиймати сўмда ёзилади.

С. Соғлиқ муаммолари – уй хўжалиги аъзолари соғлиғи билан боғлиқ муаммолари тўғрисида сўралади. 1-6- саволлар фақат 3 ёшдан катта бўлган уй хўжаликлари аъзолари учун қўлланилади.

7-савол 15 ёш ва ундан катта ёшдаги шахсларга тегишли бўлиб, унда тамаки маҳсулотлари чекиши ҳақида сўралади.

The image displays four sequential screenshots of a mobile application interface, likely for data collection in a household survey. Each screenshot shows a question in Russian and a selection of radio buttons for 'Yes' (Ҳа) or 'No' (Йўқ).

- Скриншот 1:** Question: "Хўжалик Реестри > (4) СОҒЛИҚ - А. Бирламчи ёрдам ва амбулатор хизматларидан фойдаланиш. Руссат берсангиз, энди Сиз ва уй хўжалигининг бошқа аъзоларининг саломатлиги, улар томонидан тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳамда тиббий хизматларга харажатлар тўғрисидаги саволларни бошлаймиз. > 1". Question text: "1 Bekmirzaev учун тиббий муассасадан олинган дори-дармондан ташқари охириги 30 кун ичида бирор дори сотиб олингиларми?". Options: ☐ Ҳа, ☒ Йўқ.
- Скриншот 2:** Question text: "15 Bekmirzaev охириги 30 кун ичида тиббий ёрдамга эҳтиёжи бўла туриб, мурожаат қилмаганлик ҳолати бўлганми?". Options: ☐ Ҳа, ☒ Йўқ.
- Скриншот 3:** Question text: "1 Bekmirzaev охириги 12 ой мобайнида касалхонада ётиб даволанганми?". Options: ☐ Ҳа, ☒ Йўқ.
- Скриншот 4:** Question text: "1 Bekmirzaev кўзойнак тақса ҳам, кўришда қийинчиликларга дуч келадими?". Options: ☒ Қийналмайди, ☐ Сал қийналади, ☐ Жуда қийналади, ☐ Умуман кўрмайди, ☐ Билмайман.

5. Бандлик

5-бўлим 4 қисмдан иборат:

- А. Иш фаолияти тўғрисида;
- В. Иш қидириш;
- С. Касби ва соҳаси;
- Д. Тадбиркорлик.

Бандликнинг “А” қисмида уй хўжалигининг 16 ва ундан катта ёшдаги ҳар бир аъзосининг иш фаолияти тўғрисида сўралади. 1-3 саволлари охириги 7 кун ичида ҳақ тўланадиган ишда ишлаганми, тадбиркорлик, деҳқончилик ёки бошқа фаолият, ҳатто бир соатгина бўлса ҳам амалга оширганми, тадбиркорлик фаолиятида бепул ёрдам берганлиги ҳақида сўралади.

4-саволда сўнгги 7 кун ичида айрим сабабларга кўра ишламаган бўлсада, лекин ўзининг ҳақ тўланадиган иши ёки тадбиркорлик фаолиятига эгалиги сўралади.

5 ва 6-саволларда агар уй хўжалиги аъзолари иши қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли бўлса, ушбу фаолиятдан олинган маҳсулотлар қандай мақсад учун мўлжалланганлиги сўралади.

8-савол. Уй хўжалиги аъзоларининг қайси лавозимда ишлаётганлигини билиш керак бўлади: иш берувчи, мустақил равишда иш билан банд, ёлланиб ишловчи ёки уй хўжалигида ёки оилавий бизнесда ёрдамчи (ҳақ олмаган ҳолда).

The image displays four sequential screenshots of a mobile application interface, likely for a survey or registration process. Each screenshot shows a question in Uzbek with multiple-choice options.

- Скриншот 1:** Question 1 asks if the respondent has worked for 7 days in a paid job. Options: "Ҳа" (Yes) and "Йўқ" (No).
- Скриншот 2:** Question 7 asks if the respondent has received any income from business activities in the last 7 days. Options: "Ҳа" (Yes) and "Йўқ" (No).
- Скриншот 3:** Question 8 asks if the respondent has received any income from business activities in the last 7 days. Options: "Ҳа" (Yes) and "Йўқ" (No).
- Скриншот 4:** Question 8 asks if the respondent has received any income from business activities in the last 7 days. Options: "Ҳа" (Yes) and "Йўқ" (No).

9-19- саволлар иш билан боғлиқ маълумотлар: давомийлиги, расмий ёки норасмийлиги, ходимлар сони, неча соат ишлагани, олган маоши ёки даромади сўралади.

Бандликнинг “В” қисми иш қидириш ва бандлик имкониятлари билан боғлиқ 5 та саволдан иборат.

“С” қисмида уй хўжалиги аъзолари қайси соҳада фаолият юритиши ва касби тўғрисидаги 3 та савол мавжуд.

“Д” қисмида эса фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи уй хўжалиги аъзолари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

6. Жамғармалар ва кредитлар

Мазкур бўлимнинг мақсади уй хўжалиги аъзоларининг банкда жамғарма маблағлари (омонатлар) ҳисоблари ҳақида маълумот олишдир. Бу бўлимда фақатгина 18 ва ундан катта ёшдаги уй хўжалиги аъзоларига нисбатан қўлланиладиган 3 та савол мавжуд. Ушбу бўлимга уй хўжалиги аъзосининг банкда жамғарма ҳисобварағига эгалиги, ким билан ҳамроҳликда очилганлиги ва уй хўжалигининг қайси аъзолари билан очилганлиги ҳақида маълумотлар сўралади.

7. Ижтимоий нафақалар

Ушбу бўлим 6 саволдан ташкил топган бўлиб, унда уй хўжалиги аъзолари қайси ижтимоий ёрдамларни (пенсия, нафақа, ёрдам пули ёки натура шаклида ижтимоий ёрдам) қай тарзда ва қайси муддатда олиши ҳамда нафақа турлари, қанча вақт оралиғида олиб келаётганлиги ҳақидаги маълумотлар сўралади.

Уй хўжалиги сўровномасини тўлдириш бўйича қўлланма

Уй хўжаликлари сўровномаси барча уй хўжалиги билан боғлиқ маълумотларни тўплашдан иборат. Сўровномада уй хўжаликлари даромадлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига, уй-жой коммунал хизматларига харажатлар тўғрисида ҳамда моддий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлик тўғрисидаги маълумотлар жамланади. Ушбу сўровнома қуйида келтирилган 6 қисмдан иборат:

8-бўлим. Бошқа даромадлар;

9-бўлим. Озиқ-овқат истеъмоли;

10-бўлим. Ноозиқ-овқат истеъмоли ва хизматларга харажатлар;

11-бўлим. Уй-жой коммунал хизматлари.

8. Бошқа даромадлар

Ушбу бўлимда уй хўжалиги охириги 30 кун мобайнида келтирилган рўйхатдаги даромадларни олганлиги сўралади. Ҳар бир манбани респондентга ўқиб бериб, жавобига қараб танлаб олинади, шундан сўнг олинган даромад ҳажми ёзилади.

Одатда Ўзбекистон Республикасига хориждан юбориладиган пул ўтказмалари АҚШ долларида қабул қилинади. Бироқ, олинган бу суммани ўзбек сўмига маҳаллий курс бўйича ҳисоблаб киритилади.

9. Сўнгги 7 кун ичида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари

Мазкур бўлим сўровноманинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Респондентга ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотлари номини бирма-бир ўқиб, уй хўжалиги томонидан фақат охириги 7 кун мобайнида истеъмол қилинган ва сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини белгилаб чиқиш муҳимдир. Озиқ-овқат таркибидаги 15 тадан кам бўлмаган ёки ундан ортиқ маҳсулотни танлаш лозим. Мисол учун: Сўровнома ўтказилаётган кундан аввалги 7 кунни ҳисобга олинади, агар сўровнома 8 июлда ўтказилаётган бўлса, 1 июлдан 7 июлга қадар, деб кўрсатилади.

1-саволда уй хўжалиги томонидан сўнгги 7 кун ичида рўйхатдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан истеъмол қилган ёки қилмаганлигини рўйхат бўйича сўралади ва ҳар бир маҳсулот ўқиб чиқилиб, рўйхатнинг бошига қайтиб тегишли маҳсулотлар белгиланади ва кейинги саволларга ўтилади.

2-устун саволида охириги 7 кун ичида истеъмол қилинган ҳар бир маҳсулот учун, уларнинг уй хўжалиги аъзолари томонидан истеъмол қилинган умумий миқдорини кўрсатиш лозим. Ўлчов бирлиги ҳар бир маҳсулот ёнида кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир маҳсулот килограмм ва литр ўлчовида киритилади. Агар респондент ўз жавобида

килограмм ёки литрдан бошқа ўлчов бирлигини айтса, буни литр ёки килограммга ўтириш керак бўлади.

3-устун саволида истеъмол қилинган маҳсулот миқдорини сўраб бўлгач, бу маҳсулотларни сотиб олишга сарфланган умумий миқдори ва нархини ўзбек сўмида сўраб киритилади. Агар охириги 7 кун ичида ҳеч нарса сотиб олинмаган бўлса, 0 рақами киритилиб 5-устундаги саволга ўтилади.

4-устун саволида охириги 7 кун мобайнида сотиб олинган ҳар бир маҳсулотдан қанча миқдори истеъмол қилинганлигини сўралади. Эътибор беринг, бу миқдор, 2-устунда кўрсатилган миқдордан кам ёки унга тенг бўлиши лозим.

5-устун саволида истеъмол қилинган маҳсулотларнинг қанчаси рўйхатдаги манбалардан олинганлиги ҳақида сўралади. Уй хўжалиги истеъмол қилган маҳсулотлар 7 кун мобайнида сотиб олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Уй хўжалиги ўз шахсий томорқасида етиштирган маҳсулотларни истеъмол қилган вазиятда (5-савол, 1-танлов), совға ёки ёрдам сифатида олган бўлса (5-савол, 2-танлов), меҳнат ҳақи ҳисобига олинган бўлса (5-савол, 3-танлов), ўз омборларида сақланаётган маҳсулотларни истеъмол қилган бўлса (5-савол, 4-танлов), алмаштиришдан, қарзга ва бошқа манбалардан олинган бўлса (5-савол, 5-танлов) белгиланади. Ҳар бир маҳсулот миқдорини киритиш лозим.

6-устун саволида бунда 5-устун саволида тўлдирилган маҳсулотлар нархлари йиғиндисини жорий нархларда ўзбек сўмида баҳолаб маълумотлар киритилади.

The image displays six sequential screens of the HBS_2021 application, which is used for household budget surveys. Each screen contains a question in Uzbek, a list of options, and a numeric keypad for input.

- Screen 1:** Asks if the respondent has consumed any of the listed products in the last 7 days. If yes, they proceed to the next question. If no, they skip to question 5.
- Screen 2:** Asks for the quantity of each product consumed in the last 7 days, relative to the quantity listed in the previous screen.
- Screen 3:** Asks for the source of the products consumed (e.g., own production, purchase, gift).
- Screen 4:** Asks for the total expenditure on the products consumed in the last 7 days.
- Screen 5:** Asks for the total expenditure on the products consumed in the last 7 days.
- Screen 6:** Asks for the total expenditure on the products consumed in the last 7 days.

10. Ноозиқ-овқат маҳсулотларига харажатлар

10А. Ноозиқ-овқат маҳсулотларига харажатлар 1-саволда уй хўжалиги аъзолари томонидан харидлар 30 кун мобайнида рўйхатдаги маҳсулотлардан сотиб олган ёки олмаганлигини навбатма-навбат сўралади ва бу саволда қайта ишлаш ёки қайта сотиш учун харид қилинган барча маҳсулотларни жавобдан чиқариб ташланади.

2-саволда, агар маҳсулот сотиб олинган бўлса, охириги 30 кун ичида ҳар бир товар ёки хизматга қилинган харажатлар қиймати киритилади.

The screenshot displays three sequential screens from the HBS_2021 application. The first screen, titled 'Хўжалик Реестри > (10) Ноозиқ-овқат маҳсулотларига харажатлар - А', presents a list of categories for recording expenses, each with a checkbox. The second screen shows a numeric keypad for entering the amount, with '150 000' entered. The third screen shows the same keypad with '500 000' entered.

Screen 1: Categories for recording expenses

- ☒ Тамбаки маҳсулотлари
- ☐ Нос ва бошқа тамбаки маҳсулотлари
- ☐ Кийим тайёрлаш учун материаллар
- ☒ Эркаклар ва ўғил болалар учун устки кийимлар (пальто, чопон, плаш, куртка, қўйлак, спорт кийими, ички кийимлар ва б.)
- ☐ Аёллар ва қиз болалар учун устки кийимлар (қишки пальто, енгил пальтолар, костюм-юбка, спорт кийими, юбка, шим, ички кийимлар ва б.)
- ☐ Гудаклар учун кийим (комбинезон, костюм, қўйлак, пижама, чақалоқлар учун кийим, тагликлар ва б.)
- ☐ Бошқа кийим предметлари ва аксессуарлар (шарф, қўлқоп, камар, бош кийимлар)
- ☐ Кийимларни тозалаш, тикиш, таъмирлаш ва ижарага олиш
- ☐ Эркаклар учун пойафзал
- ☐ Аёллар учун пойафзал

Screen 2: Amount entered: 150 000

Screen 3: Amount entered: 500 000

10В. Уй хўжалиги учун 3 ой ичида харид қилинган ноозиқ-овқат маҳсулотлар тўғрисида 1-саволда уй хўжалиги аъзолари томонидан ўтган 3 ой мобайнида рўйхатдаги санаб ўтилган товарлар ва хизматларга харажат қилган ёки қилмаганлиги сўралиб ва бу саволда қайта ишлаш ёки қайта сотиш учун харид қилинган барча товарларни жавобдан чиқариб ташланади. Ҳар бир товарни кўриб чиқиб, рўйхатнинг бошига қайтиб ва биринчи товарни тасдиқлаб, кейинги саволларга ўтилади.

2-саволда охириги 3 ой ичида ушбу товарлар ва хизматлар учун қилинган харажатлар қиймати сўмда киритилади.

10С. Сотиб олинган ва истеъмол қилинган ёқилғи турлари 1-4 саволларда охириги 30 кун ичида уй хўжалиги томонидан овқат тайёрлаш учун 1 дан 13 гача бўлган ёқилғи тури ҳақида сўралади. Барчасини сўраб бўлгандан сўнг рўйхатнинг бошига қайтиб, биринчи товарни тасдиқлаб, 2-саволда сотиб олинган ёқилғининг умумий нархи киритилади. 3-саволда агар ёқилғини совға сифатида олган бўлса бирликда кўрсатиш лозим. 4-саволда ўзи томонидан сотиб олмасдан йиғилган ёқилғи миқдори киритилади. Агар уй хўжалиги 1-2 рақамли ёқилғи турини кўрсатса, 2 дан 4 гача бўлган саволлар сўралмайди ва 5-саволга ўтилади.

Фойдаланилган маҳсулот тури тасдиқланган ҳолда (электр ва газдан ташқари), охириги 30 кун ичида овқат тайёрлаш учун сотиб олинган ёки ёрдам тариқасида олинган ёқилғининг умумий қиймати ва миқдори ҳақида сўралади. Агар охириги 30 кун ичида ёқилғи сотиб олинмаган бўлса, бу ҳолда 0 рақами киритилади.

5-8-саволларда охириги иситиш мавсумида уйини иситиш учун қандай ёқилғи туридан фойдаланганлиги сўралади. Барчасини сўраб бўлгандан сўнг, рўйхатнинг бошига

қайтиб биринчи товар тасдиқланади ва 7 дан 10 гача бўлган саволларга ўтилади. Агар хонадон умумий иситиш тизими, электр энергияси ёки умумий газ тармоғидан фойдаланган бўлса кейинги бўлимга ўтиш лозим.

Фойдаланилган маҳсулот тури тасдиқланган ҳолда (умумий иситиш тизими, электр ва газдан ташқари), охириги иситиш мавсумида иситиш учун сотиб олинган ёки ёрдам тариқасида олинган ёқилғининг умумий қиймати ва миқдори ҳақида сўралади. Агар охириги иситиш мавсумида ёқилғи сотиб олинмаган бўлса, у ҳолда 0 рақами киритилади.

10D-бўлим. Хизматларга харажатлар. Уй хўжалигининг хизматларга қилинган харажатлари рўйхатда келтирилган хизматлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиги сўралади. Барчасини сўраб бўлгандан сўнг, рўйхатнинг бошига қайтилади ва биринчи хизмат тури тасдиқланиб, 2 дан 6 гача саволларга ўтилади.

Танланган хизмат турлари тўловларини амалга оширилишида, имтиёзлар ёки қандайдир чегирмалар берилганлиги ва имтиёзлар фоизи ҳақида сўралади, агар хизматлар текин бўлса 100 % чегирмага киритилади.

4-саволда респондентдан охириги хизмат тури учун амалга оширилган тўлов қийматини, сўнг 5-саволда ушбу тўлов неча ой учун амалга оширилганлиги тўғрисида маълумот сўралади. Агар хизмат тури ойлик эмас, балки бир марталик бўлса, у ҳолда респондентдан ўртача тўлов тахминан неча ойга етиши ҳақида сўраш лозим.

Агар уй хўжалиги ижарада турса, бундай ҳолатда турар жойини 1 ойлик ижара ҳаққи қанча миқдорда бўлиши сўралади. Шунингдек, уйларини ижарага берилса ёки сотилса қанча бўлиши сўралади.

11. Уй-жой, коммунал хизматлари

11A-бўлим – турар жой тури, майдони ва ер участкалари. Булар бир оила учун ҳовли ёки алоҳида квартиралар, қўшма ҳовли уй, ётоқхоналар бўлиши мумкин. Ундан сўнг яшаш хоналари сони ҳамда умумий майдони (ошхона, балкон ва йўлакдан ташқари) аниқланади. 4-саволда мулк эгалиги ҳақида сўралади, агар жавоб рўйхатдагидан бошқача бўлса, у ҳолда эгалик ҳақидаги маълумотни лотин ҳарфларида киритилади.

5-7-саволлар. Респондентдан экин майдони, томорқаси ёки алоҳида ер участкаси мавжудлиги ҳақида сўралади. Агар жавоб тасдиқ тариқасида бўлса (қишлоқ хўжалигида

кенг учрайдиган ҳолат), у ҳолда ўша ерларнинг эгалик тури, майдони (томорқалар учун сотихда, фермер ерлари учун гектарда) киритилади.

11В-бўлим - марказлашган иситиш тизими. 1-4-саволларда респондентдан турар жойда марказлашган иситиш тизими мавжудлиги ҳақида сўралади. Агар жавоб тасдиқ тариқасида бўлса, у ҳолда ўтган қиш мавсумида хонадон неча ой мобайнида иситилгани, узилишлар бўлганлиги, узилиш пайтида қандай қўшимча иситиш манбаларидан фойдаланилганлиги ҳақида сўралади.

11С-бўлим. Сув тизими ва санитария

1-саволда ичиш ва таом тайёрлаш учун ичимлик суви манбасига қаратилган. Жавобларни ўқиб чиқиб, тўғри келадиган сув манбаси танланади.

2-саволда агар хонадон сув трубасига уланмаган бўлса, респондентдан сув олиб келиш учун қанча вақт сарфланиши сўралади.

3-саволда уй хўжалигининг қайси аъзоси одатда сув олиб келиш билан шуғулланса, ўша аъзосининг тартиб рақами киритилади.

4-савол мақсади уй хўжалигининг санитария даражасини аниқлашдан иборат. Чунки, хожатхоналарнинг ҳолати касалликка қарши кураш ва репродуктив саломатлик учун ўта муҳим ҳисобланади. Агар респондент умумий тарзда жавоб берса, у ҳолда сув чиқиндиси қаерга чиқиши ҳақида сўралади. Шу билан бирга, респондент “Қазилма хожатхона” деб жавоб берса, у ҳолда коллектор турига аниқлик киритилади. Қуйидаги жадвал таърифлашга ёрдам тариқасида кўрсатилган.

5-саволда хожатхонадан барча хонадон аъзолари бирдай фойдаланиши тўғрисида сўралади.

11D. Муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги бўйича сўров, уй хўжаликларида муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги ва фойдаланилишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Бунда, муқобил энергия манбалари қуйидаги турларга ажратилади:

- дизел генератор қурилмаси – бир ёки бир нечта электр генераторлари билан жиҳозланган ички ёнувчи дизел двигателли энергетик қурилма;

- қуёш батареялари – қуёш энергиясини тўғридан-тўғри доимий электр токига айлантириб берувчи, бир неча бирлашган фотоэлектрик ўтказгичлар (фотоэлементлар), ярим ўтказгич қурилмалар;

- биогаз қурилмаси – органик чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида биогаз ва органик ўғитларга айлантирувчи қурилма.

- қуёшда ишлайдиган коллектор қурилмалари – кўзга кўринадиган нур ва яқин инфрақизил нурланиш ёрдамида узатиловчи қуёшнинг иссиқлик энергиясини йиғиш учун мўлжалланган қурилмалар (гелиоқурилмалар). Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи қуёш батареяларидан фарқли ўлароқ, қуёш коллектори иссиқликни ўзида сақловчи материалларни иситишни амалга оширади;

бошқа қурилма – уй хўжалигида фойдаланиладиган бошқа турдаги муқобил энергия қурилмаси.

Уй хўжалигида муқобил электр энергия манбаи мавжуд бўлган тақдирда, 1-саволига мос келувчи жавоб вариантларидан бири танлаб кўрсатилади.

Фойдаланиладиган қурилманинг бир суткада ўртача ишлаган соатлари сони мос равишда 2, 3 ҳамда 4-саволларида кўрсатилади.

Уй хўжалигида муқобил электроэнергия манбаси мавжуд бўлмаган тақдирда (1 саволи) 2, 3, 4, 5 ва 6-саволлари берилмайди.


Уй хўжалигида биогаз қурилмасидан фойдаланилса, бир суткада биогаз (5) ва электр энергиясини ишлаб чиқариш (6) қуввати кўрсатиб ўтилади.

7-саволда уй хўжалигида фойдаланиладиган иситиш воситаси тури кўрсатилади. Иситиш воситаси учун қаттиқ ёқилғидан фойдаланилса, 8-саволида мазкур қаттиқ ёқилғи тури кўрсатилади.

9-саволда уй хўжалигида турар жойда фойдаланиладиган ёруғлик лампалари тури ва миқдори кўрсатилади.

11Е. Уй хўжалигининг моддий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги 1-2-саволларида, уй хўжалиги аъзоларининг ҳаётидан қанчалик қониқиши ва қандай таъминланганлиги ижтимоий ҳолатларидан қониқтиришларини баҳолаш учун мўлжалланган.

3-саволда, уй хўжалигида узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилади. Сотиб олинганлиги, бевосита уй хўжалиги аъзолари томонидан тайёрланганлиги ёки совға тариқасида олинганлигидан қатъий назар, кузатув ўтказиш давомида уй хўжалигида мавжуд бўлган буюмлар сони кўрсатилади. Шунингдек, уй хўжалиги томонидан қариндошлар ва танишларга вақтинча фойдаланиш учун берилган буюмлар ҳам ҳисобга олиниб киритилади.



12. Ноистеъмол характердаги харажатлар ва тўловлар

1. G1-саволдаги рўйхатда кўрсатилган ноистеъмол характердаги харажатлар ва тўловлар, нақд пул ва пластик карточка орқали бевосита уй хўжалиги аъзолари томонидан, шунингдек, иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан (иш жойининг бухгалтериясидан) амалга оширилиши мумкин.

2. Агар бирор-бир тўловлар, улар учун қариндошлар ёки уй хўжалиги аъзолари бўлмаган бошқа шахслар томонидан тўланган бўлса, у ҳолда бу тўловлар ҳам ушбу саволда кўрсатилиши керак. Шунингдек, бу турдаги тўловларни моддий ёрдам сифатида “Уй хўжалигининг умумоилавий даромадлари ва ишлаб чиқариш фаолияти” Е бўлимининг мос равишда 5, 6, 7, 8-сатрларида кўрсатилиши лозим.

3. G1-саволининг 1-сатрида, турар жой ва нотурар жойга хос бўлган кўчмас мулк, ер участкаси ёки бошқа қандайдир иморат (бино, хона)ларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилади.

4. 2-сатрда, шахсий фойдаланиш учун олинган транспорт воситаларидан (енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар, велосипедлар ва ҳ.к.) ташқари барча турдаги транспорт воситаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилади. Бунда, агарда енгил автомобиль ёки бошқа шахсий фойдаланиладиган транспорт воситаси кундалик юритиш даврида сотиб олинган бўлса, ушбу харажатлар кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалигининг 2-бўлимида кўрсатилади.

5. Йирик шохли қорамоллар, отлар, туялар, эшаклар, чўчқалар, қўйлар, эчкилар, қуёнлар ва бошқа ҳайвонлар сотиб олиш учун харажатлар 3-сатрда, улар учун озуқа сотиб олишга қилинган харажатлар мос равишда 4-сатрда кўрсатилади.

6. 5-сатрда, уй хўжалиги томонидан фақат қайта сотиш ёки бошқа тижорат фаолияти мақсадида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга қилинган харажатлар кўрсатилади. Агар, уй хўжалиги ҳам шахсий истеъмоли учун, ҳам сотиш учун товар сотиб олган бўлса, у ҳолда фақат тижорат мақсадида фойдаланиладиган қисми кўрсатилади холос.

7. Уй хўжаликларининг қариндошлар ва дўстлар (уй хўжалиги аъзоси бўлмаган) учун беминнат ёрдам асосида кўрсатилган моддий ёрдамларга (совғаларни қўшган ҳолда) қилган харажатлари 9-10-сатрларда кўрсатилади, бунда, улар ҳам пул ҳам натура шаклида етказиб берилиши мумкин.

8. Респондентдан уй хўжалиги аъзолари томонидан 11-17-сатрларда кўрсатилган харажатларга тўловларни амалга оширганлиги сўралади.

**АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги
ва уй хўжалиги аъзоларининг акт воситаларидан фойдаланиш қўлами
сўровномасини тўлдириш бўйича тушунтиришлар**

Сўровноманинг А бўлими паспорт қисми, уй хўжаликларини танлаш бланкасида кўрсатилган маълумотларга асосан интервьюер томонидан тўлдирилади.

**В. Уй хўжалигида АКТ воситаларидан
фойдаланиш имконияти мавжудлиги**

В бўлими, уй хўжалигида Интернетдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, Интернетга уланиш турлари, Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг сабаблари ва телерадиокўрсатувларни қабул қилиш турларини аниқлаш учун мўлжалланган.

1 саволда, уй хўжалигида қандай қурилмадан (нафақат компьютер, балки мобиль телефон, планшет компьютер, ўйинлар учун қурилма, рақамли телевизор ва ҳоказолардан) фойдаланиб амалга оширишдан қатъий назар, бир қатор алоқа хизматларига уланиш имкониятини берадиган Интернет тармоғига уланиш, шунингдек, электрон почта, янгиликлар, кўнгилочар ахборотлар ва файлларни (маълумотларни) жўнатиш имконияти мавжудлиги кўрсатилади. Интернетга уланиш сим орқали, симсиз, сунъий йўлдош ёки мобиль алоқа ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Бунда, Интернетдан уй хўжалигининг барча аъзолари исталган вақтда фойдалана олса, уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд ҳисобланади.

Уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлса, Интернетга уланиш учун қайси хизмат туридан фойдаланилиши, 2 саволда келтирилган жавоб вариантларидан мос жавоб варианты танланган ҳолда кўрсатилади.

2 саволнинг жавоб вариантларида қуйидаги хизмат турлари келтирилган:

- қайд қилинган (симли) тор йўлакли тармоқ – аналог модем ёрдамида боғланиш стандарт телефон линиясидан оддий телефон линиясини рақамли линияга айлантирадиган интеграция хизмати рақамли тармоғидан фойдаланиб, Интернетга кириш, шунингдек, 256 кбит/сдан кам бўлмаган тезликда уланишнинг бошқа турлари;

- қайд қилинган (симли) кенг йўлакли тармоқ – рақамли абонент линияси, кабель модем, юқори тезликдаги ажратилган линиялар, яшаш жойи/биногача борган толали линия, электроузатиш линиялари ва бошқа қайд қилинган (симли) кенг йўлакли алоқа линиялари каби технологиялар ёрдамида 256 кбит/с дан кам бўлмаган тезликда Интернетга уланиш;

- қайд қилинган ер усти (симсиз) кенг йўлакли тармоқ – тезлиги 256 кбит/с дан кам бўлмаган WiFi, WiMAX ва шу каби симсиз технологиялар ёрдамида Интернетга уланиш. Ўз навбатида, WiFi бу - қурилмалар ўртасида маълумотларни қисқа масофага симсиз узатиш технологияси, WiMAX эса маълумотларни қурилмаларнинг кенг спектри (иш

станциялари ва портатив компьютерлардан мобиль телефонгача) учун узоқ масофаларга симсиз узатувчи алоқа технологиясидир;

- сунъий йўлдошли кенг йўлакли тармоқ (сунъий йўлдош алоқаси орқали) – сунъий йўлдош канали орқали 256 кбит/с дан кам бўлмаган тезликда Интернетга уланиш;

- портатив қурилмадан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобиль тармоқ – портатив қурилма (ноутбук, нетбук, планшет, чўнтак компьютери ва ш.ў.) ёки мобиль телефон ёрдамида мобиль алоқа тармоғи орқали (камида 3G) Интернетга уланиш;

- компьютерга мослаштирилган SIM-карта ёки USB модемдан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ – карта (масалан, компьютерга мослаштирилган SIM-карта) ёки USB модем ёрдамида мобиль алоқа (камида 3G) тармоғи орқали Интернетга уланиш.

Айрим уй хўжаликларида бир вақтнинг ўзида тор йўлакли, кенг йўлакли, қайд қилинган ёки ҳаракатланувчи каби алоқа турларидан фойдаланилиши мумкин, шунинг учун уланиш имкониятларининг барча турларини кўрсатиш тавсия этилади, яъни биттадан ортиқ жавоб вариантини танлаш мумкин.

Уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлмаса, 3-саволида келтирилган вариантлардан Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг сабаби кўрсатилади. 3 саволга жавоб олиш учун интервьюер барча жавоб вариантларини ўқиб эшиттириши лозим, чунки уй хўжалигида Интернетга уланиш имконияти мавжуд эмаслигининг бир қанча сабаблари бўлиши мумкин.

4-саволда уй хўжалигида телерадио кўрсатувларни қабул қилиш турлари кўрсатилади.

4-саволда уй хўжалигида уланишнинг қуйидаги турлари келтирилган:

кабель телевидениеси (КТВ) – телеприёмникда томоша қилиш учун коаксиал кабель орқали тақдим этиладиган кўп каналли телевидение дастурлари. Кабель телевидениесида телесигнал истеъмолчига ўтказилган кабель орқали юқори частотали сигнал ёрдамида узатилади;

- сунъий йўлдош телевидениеси (DTH) – сунъий йўлдош антеннаси ёрдамида олинadиган сунъий йўлдошли телевизион кўрсатувларни қабул қилишга мўлжалланган хизматлар. Сунъий йўлдош телевидениеси технологияси сунъий йўлдошли тюнер билан жиҳозланган телеприёмникда телевизион дастурларни бевосита қабул қилишга мўлжалланган;

- Интернет-протокол телевидениеси (IPTV) – хизмат сифати, қабул қилиш сифати, хавфсизлик, интерактивлик ва ишонччилик талабларига жавоб берадиган, теледастурлар/видео/аудио/матн/график/маълумотларни тармоқдан IP протоколи асосида етказиб бериш каби мултимедиа хизматлари. IPTV технологияси телевизион канални Интернет орқали самарали қабул қилиш имконини беради. Шунингдек, IPTV хизматлари, одатда, шахсий компьютерда эмас, телеприёмникда томоша қилиш учун мўлжалланган;

- рақамли ер усти телевидение (DTT) бу – аналогли ер усти телевидениенинг технологик эволюцияси бўлиб, аналогли телевидениега нисбатан кўпроқ каналларни кўрсатиш имкониятини беради. Рақамли ер усти телевидение технологияси видеосигнал ва овоз сигналларини шифрлаш ёрдамида телевизион тасвир ва овозларни рақамли каналлар орқали узатишни ўз ичига олади.

**С. АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги
ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами**

С бўлими уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта аъзоларининг АКТ воситалари, хусусан, мобиль телефонлар билан, компьютерлар билан, фойдаланиш жойи ва фойдаланиш мақсади ва шунга ўхшашларни ҳисобга олган ҳолда Интернет билан таъминланганлиги ва фойдаланиш кўламини аниқлаш учун мўлжалланган.

“АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва уй хўжалиги аъзоларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш кўлами” бўлими бўйича сўров уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта барча аъзолари билан ўтказилади. Сўровда қатнашувчи шахслар ушбу саволноманинг уй хўжалиги аъзолари ва уларнинг ёши кўрсатилган 1-жадвалдан кўчириб ёзилади.

Бунда ушбу бўлим бўйича сўров уй хўжалиги аъзосининг фақат ўзи билан ўтказилиши керак. Алоҳида ҳолларда, агар респондент интервью саволларига жавоб бера олмаса (касал, жуда қари ва шунга ўхшаш), у ҳолда унинг ўрнига уй хўжалигининг бошқа аъзоси жавоб бериши мумкин.

1-саволнинг 1-12 устунларига, ушбу саволноманинг 1 жадвалида келтирилган уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта аъзолари тартиб рақамлари кўчириб ёзилади.

2-3-4 саволларида, уй хўжалигининг АКТ воситаларидан фойдаланувчи 10 ёш ва ундан катта аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши тўла йиллар сони ҳамда жинси киритилади.

5-саволда, якка тартибдаги ўтказиладиган сўровноманинг 3-бўлимнинг 1-саволи маълумотларидан фойдаланган ҳолда уй хўжалиги аъзоларининг таълим даражаси (муваффақиятли тугатган юқори таълим даражаси назарда тутилади) киритилади.

6-саволда, уй хўжалиги аъзоларининг охирги 3 ой давомида мобиль (уяли алоқа) телефондан фойдаланганлиги аниқланади. Бу саволда мобиль (уяли алоқа) телефон уй хўжалиги аъзоларидан бирига тегишлилиги ёки улардан бири томонидан мобиль (уяли алоқа) хизматга пул тўланганлиги муҳим эмас. Чунки мобиль (уяли алоқа) телефони иш жойидан, қариндошлардан, дўстлар ва ш.ў. томонидан фойдаланиш учун берилган бўлиши мумкин. Бунга онда-сонда фойдаланиш, масалан, мобиль (уяли алоқа) телефонини бир марта қўнғироқ қилиш учун олиш кирмайди.

7-саволда шахсий мобиль (уяли алоқа) телефони мавжудлиги кўрсатилади. Шахсий мақсадларда фойдаланиш учун камида битта фаол SIM-картаси бўлган мобиль (уяли алоқа) қурилмаси мавжуд бўлса, ушбу шахс мобиль (уяли алоқа) телефонига эга ҳисобланади.

Бунга шахсий мақсадларда фойдаланиш (шахсий қўнғироқларни амалга ошириш, Интернетга уланиш ва ҳ.к.) учун иш берувчи томонидан берилган мобиль (уяли алоқа) телефони, шунингдек, шахсий фойдалануви учун мўлжалланган, аммо телефон ўз номига расмийлаштирилмаган, (масалан, мобиль (уяли алоқа) телефон ушбу уй хўжалигининг бир аъзоси томонидан бошқа бир аъзосига берилган) шахслар ҳам киритилади. Фақат фаол SIM-карта(лар)га эга бўлган, аммо мобиль (уяли алоқа) телефон аппарати мавжуд бўлмаган шахслар киритилмайди.

8-саволда охирги 3 ой давомида исталган жойда компьютердан фойдаланган шахсларни аниқлаш учун мўлжалланган. Ушбу ҳолатда компьютер деганда столга

қўйиладиган компьютер, кўчма компьютер (ноутбук, нетбук), планшет ёки шунга ўхшаш портатив (чўнтак) компьютери тушунилади. Бу ерга компьютер имкониятлари мавжуд бўлган айрим қурилмалар - персонал (шахсий) рақамли ассистентлар (PDA), интеллектуал ТВ приёмниклар, шунингдек, асосий вазифаси телефон алоқасини амалга ошириш бўлган қурилмалар киритилмайди.

9-саволда охириги 3 ой давомида қандай турдаги компьютердан фойдаланганлиги (жойидан қатъий назар) биттадан ортиқ жавоб вариантлари танлаш мумкин бўлади, жавоб вариантларида компьютернинг қуйидаги турлари келтирилган:

- столга қўйиладиган компьютер – одатда, бир жойда стационар ҳолда турадиган ва фойдаланувчи компьютер олдида, клавиатура ёнига бориб жойлашадиган компьютер;

- кўчма компьютер – ўлчами кўчириб юриш имконини берадиган ва одатда, столга қўйиладиган компьютер вазифасини бажара оладиган компьютер. Бундай компьютерларга ноутбук ва нетбуكلар киради, аммо планшет ёки шунга ўхшаш портатив компьютерлар ушбу тоифага киритилмайди;

- планшет ёки шунга ўхшаш портатив (чўнтакда олиб юриладиган) компьютер – бу ясси сенсор экран ўрнатилган ва физик клавиатура ёрдамида эмас, экранга тегиш орқали бошқариладиган компьютер.

Респондент 8-саволда охириги 3 ой давомида компьютердан фойдаланмаганлигини кўрсатса, уй хўжалигининг ушбу аъзоси учун 9 ва 10-саволлари берилмайди (ўтказиб юборилади).

10-саволда уй хўжалиги аъзоларининг компьютерга оид малакага эга эканлигини аниқлаш учун берилади. Ушбу саволга жавоб олишда интервьюердан респондент диққатини бир жойга тўплашга ва барча жавоб вариантлари билан танишиб чиқишига эътибор қаратиши лозим, чунки респондент компьютердан фойдаланиш бўйича бир қанча кўникмага эга бўлган, аммо охириги 3 ой давомида амалга оширилган ҳаракатларни ёддан чиқарган бўлиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, 10-саволда биттадан ортиқ жавоб вариантлари танлаш имконияти назарда тутилгани туфайли жавоб вариантлари респондент амалга ошириши мумкин бўлган энг оддий ҳаракатлардан бошлаб, мураккаб ҳаракатларгача келтирилган.

11-саволда уй хўжалиги аъзолари охириги 3 ой давомида ҳақиқатда Интернетдан фойдаланганлиги аниқланади. Бунда мазкур савол бўйича уланиш фақат компьютер орқали эмас, шунингдек, мобиль (уяли алоқа) телефон, смартфон, планшет компьютер, персонал (шахсий) рақамли ассистент (PDA), ўйин консоллари, рақамли ТВ приёмник ва ш.к. ёрдамида ҳам уланиш мумкинлиги назарда тутилади.

Респондент 11-саволда охириги 3 ой давомида Интернетдан фойдаланмаганлигини кўрсатса, 12-саволда фойдаланмаганлик сабаби кўрсатилади ва уй хўжалигининг ушбу аъзоси бўйича сўров яқунланади.

13-саволда уй хўжалиги аъзоларининг охириги 3 ой давомида Интернетдан фойдаланиш жойларини аниқлашга мўлжалланган, ўз навбатида, Интернетдан уйда, шунингдек, бошқа жойларда (ишда, ўқув юртида, бошқа бир шахснинг уйида, Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган жамоат жойида, тижорат марказларида, ҳаракатланиш ёки ҳаракатда ва шу каби бошқа жойларда) фойдаланилган бўлиши мумкин.

Бунда, респондент охирги 3 ой давомида Интернетдан бир нечта жойда фойдаланган бўлса, барча фойдаланиш жойлари кўрсатилиши лозим, чунки ушбу саволда биттадан ортиқ жавоб вариантини танлаш мумкин.

14-саволда охирги 3 ой давомида исталган жойда Интернетдан фойдаланган уй хўжалиги аъзоларининг фойдаланиш даражаси аниқланади. Фойдаланиш даражаси кунлик (Интернетдан кунига бир ва ундан ортиқ марта фойдаланувчилар учун), ҳафтада камида бир марта, лекин ҳар куни эмас ёки ҳафтасига бир марта бўлиши мумкин.

Уйдан ва ишдан ташқарида Интернетдан фойдаланувчилар аниқланганда (11-саволга мувофиқ), 15-саволда Интернетга уланиш учун фойдаланилган мобиль қурилма тури кўрсатиб ўтилиши лозим, яъни бу мобиль (уяли алоқа) телефон, смартфон, ноутбук, нетбук, планшет компьютер ва шу каби қурилма бўлиши мумкин.

Бунда Интернетга уланиш имкониятини берувчи алоқа воситаси турини тўғри фарқлай олиш ва кўрсатиш лозим, чунки юқорида келтириб ўтилган барча мобил қурилмалар, Интернетга уланиш имкониятини мобил (уяли алоқа) тармоғи ёки бошқа симсиз тармоқлар (масалан, WiFi ва WiMAX) орқали олиши мумкин.

16-саволда, уй хўжалиги аъзоларининг охирги 3 ой давомида, исталган жойдан Интернетдан фойдаланиш мақсадини аниқлаш учун мўлжалланган. Бунда интервьюер барча жавоб вариантларини ўқиб эшиттириши лозим, чунки респондент охирги 3 ой давомида Интернетдан турли мақсадларда фойдаланган бўлиши мумкин.

Агар уй хўжалиги аъзоси 16-саволида, Интернетдан товарлар ёки хизматларга буюртма бериш ёки харид қилиш учун фойдаланган бўлса, 17 саволида харид қилинган товар ва хизматлар, тўловни амалга ошириш турлари, етказиб бериш усуллари ҳам кўрсатиб ўтиши лозим (17-савол).

Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномасини тўлдириш бўйича тушунтиришлар

Сўровноманинг паспорт қисми, уй хўжаликларини танлаш бланкасида кўрсатилган маълумотларга асосан интервьюер томонидан тўлдирилади.

1. Уй хўжалиги таркиби, уй хўжалиги аъзоларининг жисмоний машғулотлар билан шуғулланиши ва улар томонидан туристик сафарларнинг амалга оширилиши

1. А бўлим жадвалининг иккинчи устунига, уй хўжаликлари кузатуви сўровномасининг 1-жадвалидаги тартибни ўзгартирмаган ҳолда, уй хўжалигининг барча аъзоларини кўчириб ёзиш керак.

А бўлим жадвалининг учинчи устуни бўйича савол кузатув ойида уй хўжалиги аъзоларининг жисмоний фаоллигини, яъни жисмоний машғулотлар билан шуғулланаётганлигини аниқлаш учун уларнинг барчасига берилади. Бунда, жисмоний машғулотларга инсоннинг барча турдаги жисмоний фаоллиги: эрталабки машғулотлар, югуриш, спортча юриш, сакраш, оғир нарсаларни кўтариш, сузиш, шунингдек, шейпинг, фитнес, гимнастика, енгил ва оғир атлетика, ҳаракатланиш ва спорт ўйинлари (футбол, мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис, стол тенниси, бадминтон ўйинларини қўшган ҳолда), спорт туризми билан шуғулланишлари киришини назарда тутиш керак.

Уй хўжалигида жисмоний машғулотлар билан шуғулланаётган шахслар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ушбу шахс бўйича ҳафта давомида машғулотлар билан шуғулланишнинг такрорийлиги (4-устунда) ва ҳар бир машғулотнинг давомийлиги (5-устунда) кўрсатилади.

2. Уй хўжалиги аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб туристик сафарлар амалга оширилганлигини аниқлашдан олдин, интервьюер А бўлимига тушунтиришларни ўқиб эшиттирган ҳолда, қайси сафар туристик ҳисобланишини респондентга тушунтириши керак.

3. А бўлими жадвалининг олтинчи устуни уй хўжалигининг ҳамма аъзолари бўйича тўлдирилади, бунда, уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси томонидан туристик сафар амалга оширилганлиги ёки оширилмаганлиги аниқлаштирилади ва мос жавоб варианты белгиланади (айлана ичига олинади).

4. А1 саволида, уй хўжалиги аъзолари томонидан кузатув ойида амалга оширилган барча сафарлар тўғрисида сўз юритилади. Ушбу саволда, уй хўжалиги барча аъзоларининг сафарлари ҳақида сўз юритилаётганлиги учун, интервьюер респондентнинг диққатини бир жойга жамлаши ва ўйлаб кўриши учун вақт бериши керак.

5. А1 саволида, кузатув ойидаги туристик сафарларнинг умумий сони кўрсатилади, бунда, уй хўжалиги аъзоларининг гуруҳ бўлиб амалга оширган сафарларини битта туристик сафар деб ҳисоблаш керак.

2. Кузатув ойида уй хўжалиги аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб қилган сафарлари тўғрисида маълумот

6. В бўлимидаги саволларга жавоб беришда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб амалга оширилган охириги учта туристик сафар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш керак, агар рақам айлана ичига олинса, бўш катаклар рақамлар билан ва квадрат блоклар “х” белгиси билан тўлдирилади.

7. В1 саволида, туристик сафарнинг асосий мақсади бўлиб, ушбу сафар амалга ошишига сабаб бўлган мақсад ҳисобланади. Ҳар бир сафар бўйича фақат битта жавоб вариантини белгилаш керак.

Туристик сафарларнинг қуйидаги асосий мақсадлари ажратиб кўрсатилади:

- диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, табиат билан боғлиқ жойларга ташриф буюриш, спорт ва маданий тадбирларни томоша қилиш, спорт билан (чанғи, отда юриш, гольф, теннис, пиёда саёҳат қилиш, альпинизм ва шунга ўхшаш) непрофессионал тарзда шуғулланиш; ҳавзалар ёнида дам олиш, сузиш бассейнларидан, ҳар қандай дам олиш ва кўнгил очиш жойларидан фойдаланиш, ёшлар ва соғломлаштириш оромгоҳларига, дам олиш уйларига бориш, даволаниш доирасида шуғулланишни қўшмаган ҳолда (бу ҳолда асосий мақсад бўлиб “даволаниш ва соғломлаштириш тадбири” мақсади ҳисобланади) фитнес билан шуғулланиш, уй хўжалигининг мулки ҳисобланган ёки ижарага олинган дала ҳовлига бориш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олган таътил, хордиқ ва дам олиш;

- танишлар ва қариндошларникига ташриф буюриш, булар оилавий тадбирларга (туғилган кун ва шунга ўхшаш), тўйларга, дафн маросимларига, дўстларникига ташрифларни, шунингдек, беморлар ёки қарияларни қисқа муддат давомида парвариш қилиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олади;

- ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ўқув курсларига қатнашиш, аниқ бир ўқув дастури (расмий ёки норасмий) асосида таълим олиш ёки тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътиллар ва шунга ўхшашларни қўшган ҳолда расмий ўқув курслари ёрдамида аниқ кўникмаларга эга бўлишни ўз ичига олган таълим ва касбий тайёргарлик;

- шифохонада, клиникада, шифохонадан кейинги қўшимча даволаниш учун санаторияда қисқа муддат давомида даволаниш, курортлар ёки косметик жарроҳликни қўшган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ёки маслаҳат берувчи бошқа муассасаларга ташриф буюришни ўз ичига олган даволаниш ва соғломлаштириш тадбирлари. Бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида даволаниш муассасасида бўлишни талаб қиладиган узоқ муддат давомида даволаниш туризм соҳасига кирмайди;

- диний маросим ва тадбирларга ташриф буюриш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олган диний жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифлар;

- олиб сотиш ёки келгусида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун, товарлар харид қилишни қўшмаган ҳолда (бу ҳолда ишга ва касбга оид мақсадлар ҳисобланади), шахсий истеъмол ёки совғалар учун истеъмол товарлари сотиб олишни ўз ичига олган харидларни амалга ошириш;

- кўнгилли асосдаги (ҳақ олмай) ишларни, ишга жойлашиш ва миграция имкониятларини ўрганишни, бошқа мақсадларга киритилмаган, ҳақ тўланмайдиган

вақтинчалик фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишни ўз ичига оловчи бошқа шахсий мақсадлар;

- кенгашлар, конференциялар, ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этиш, лекциялар ўқиш, концертлар, томошалар ва спектакл дастурлари билан чиқиш, илмий-амалий ёки фундаментал тадқиқотларда иштирок этиш, туристик сафарлар дастурини тузиш, жойлаштириш ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш, профессионал спорт тадбирларида иштирок этиш ва шунга ўхшашларни ўз ичига оловчи, ишга ва касбга оид мақсадлар. Бу мақсадларга, корхона ёки ташкилотда ёлланиб ишлаш мақсадида амалга оширилган сафарлар киритилмайди.

8. В2 саволида, ҳар бир сафар бўйича уй хўжалигининг сафарда бўлган аъзоси кўрсатилади. Бунда, уй хўжалиги аъзоларининг тартиб рақами А бўлимининг жадвалида кўрсатилган тартиб рақамига мос келишини, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик сафарда бўлганлар бўйича А бўлим жадвалининг олтинчи устунда “1” жавоби кўрсатилганлигини ҳисобга олиш керак.

9. В3 саволида, туристик сафарнинг асосий белгиланган жойи кўрсатилади. Бунда, ҳар бир сафар бўйича фақат битта жавоб варианти бўлишига эътибор бериш керак. Ўз навбатида, туристик сафар уй хўжалигининг доимий яшаб турган туман (шаҳар) ҳудуди бўйлаб, туман (шаҳар) ташқарисига, лекин вилоят ҳудуди бўйлаб ёки вилоят ташқарисига амалга оширилган бўлиши мумкин.

10. В4 саволида, доимий яшаш жойидан сафарнинг асосий белгиланган жойигача бориш учун бир томонга бўлган тахминий масофа, километрларда кўрсатилади.

11. В5 саволида, туристик сафар давомида фойдаланилган асосий транспорт тури кўрсатилади, бунда фақат битта жавоб варианти белгиланади. Асосий транспорт тури, сафар давомида масофанинг асосий қисми қайси транспорт турида босиб ўтилганлигидан келиб чиқиб белгиланади, масофа бир хил бўлган ҳолатда – умумий транспорт харажатларида улуши кўп бўлган транспорт тури кўрсатилади.

“Бошқа транспорт турлари”га велосипедда, отда ёки туяда, пиёда юриш ва шунга ўхшашларни киритиш керак.

12. В6 саволида, туристик сафар давомида ташриф буюрилган барча жойларда ўтказилган тунаб қолишлар сони кўрсатилади. Бунда, транспортда йўлда ўтказилган тунаб қолишлар киритилмайди.

Тунаб қолишлар назарда тутилмаган сафарлар, сафар неча соат давом этишидан қатъий назар бир кунлик сафарлар деб қаралади.

13. В7 саволида, туристик сафар давомида ташриф буюрилган жойда энг кўп тунаб қолишлар ўтказилган жой кўрсатилади (фақат битта жавоб вариантини белгилаш керак).

14. В8 саволидаги маълумотлар, респондентдан В9-В21 саволларига жавоблар олингандан кейин, интервьюер томонидан тўлдирилади, бунда, туристик сафар билан боғлиқ барча харажатлар минг сўмда жамланади, яъни В9-В21 сатрлари бўйича харажатлар йиғиндиси В8 сатрининг якуний маълумотларига тенг бўлиши керак.

15. В9 саволида, сафар билан боғлиқ бўлган турли хизматлар тўплами қийматини ўз ичига олган комплекс сафарларга (турларга) қилинган харажатлар кўрсатилади.

16. В10-В21 саволларида, В9 саволида кўрсатилгандан ташқари барча харажатлар, яъни ташриф буюрувчи томонидан мустақил равишда амалга оширилган (яъни, турпакетсиз сафарга боришда ёки турпакетга қўшимча равишда) харажатлар кўрсатилади.

17. B11 саволида, овқатланиш корхоналари хизматларига, яъни қаҳвахонада, ресторанда, ошхонада овқатланишга тўлов, официантлар, мусиқачилар хизматлари ва шунга ўхшаш хизматларга харажатлар кўрсатилади.

18. B12- B13 саволларида, Йўловчи ташувчи ҳаво (авиа) транспортига, темир йўл транспортига қилинган харажатлар кўрсатилади.

18. B14 саволида, шахсий автотранспортга қилинган харажатлардан ташқари, автойўл, йўловчи ва бошқа турдаги шаҳар транспортдан фойдаланиш учун қилинган харажатлар кўрсатилади. Бу харажатларга, автобусда, йўналишли таксида, таксида, метрода, трамвайда, троллейбусда юриш учун тўловлар ва шунга ўхшаш харажатлар киради.

19. B15 саволи, уй хўжалиги ёки сафарнинг бошқа иштирокчилари шахсий мулки бўлган автотранспортда амалга оширилган сафарларга тегишлидир. Бунда, сафар давомида уй хўжалиги аъзолари томонидан шахсий автотранспортга ёқилғи қуйиш ёки жорий таъмирлаш учун қилинган харажатлар кўрсатилади.

20. B16 саволида, туристик агентликлар хизматлари ва жойни олдиндан банд қилиш бўйича бошқа хизматларга қилинган харажатлар, айнан туристик агентликларнинг алоҳида хизматларини тўлаш учун қилинган, масалан экскурсиялар, маданий ва спорт тадбирлари, транспорт билан таъминлаш, меҳмонхонада жойни, чипталарни олдиндан банд қилиш ва шунга ўхшаш харажатлар кўрсатилади.

21. B17 саволида, томоша тадбирларига (концертлар, театрлар, кино), музейларга, ҳайвонот боғларига, ботаника боғларига ташриф буюриш, шунингдек, тарихий жойлар ва табиий қўриқхоналарга сафар қилиш билан боғлиқ бўлган, маданият соҳасидаги хизматларга харажатлар кўрсатилади.

22. B18 саволида, спорт-соғломлаштириш тадбирларига, истироҳат боғлари ва шу сингари аттракционлар, дам олиш масканлари ва шунга ўхшашларга ташриф буюриш билан боғлиқ бўлган спорт хизматлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқаришга қилинган харажатлар кўрсатилади.

23. B19 саволида, шахсий фойдаланиш учун ва совға сифатида олинган қимматбаҳо буюмлар – заргарлик буюмлари, коллекция буюмлари, антиквар буюмлар сотиб олишга қилинган харажатлар кўрсатилади.

24. B20 саволида, шахсий истеъмол ва совға қилиш учун (қимматбаҳо буюмлардан ташқари) сотиб олинган товарларга қилинган харажатлар кўрсатилади.

25. B21 саволида, сафар билан боғлиқ ва B9-B20 саволларида акс эттирилмаган бошқа харажатлар, шу жумладан, тиббиёт муассасалари, таълим, суғурта хизматлари, шахсий фойдаланув учун мўлжалланган буюмларни таъмирлаш, сартарошхоналар ва гўзаллик салонлари, бошқа ўзига хос хусусиятдаги хизматларга қилинган харажатлар кўрсатилади.